

ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАР ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Лутфилло Ахатов

Чирчик давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Маърифтнинг моҳияти бу мукаммал илмдир. Илмни қандай ва кимдан ўрганиш кераклиги ҳақида кўплаб таҳлиллар мавжуд. Мутафаккирлар илмий меросидаги қарашлар-ғоялар бунга асос. Баъзи таҳлилчилар наздида тасаввуф ва ирфон илми бирдек. Унутмаслик керак тасаввуф бу белгиланган мукаммал йўлнинг йуловчисига дастур вазифасини бажарса, ирфон илми ушбу дастурни билишга қаратилган илм саналади.

Калит сўз: Фалсафа, Ирфон, тасаввуф, Шайх-устоз, мутафаккир, манба, шарқшунос,

КИРИШ

Фалсафий-ирфоний қарашларнинг шаклланишига ўз илмий мерослари билан илм аҳлларининг номлари доимо тадқиқот марказидан ўрин эгаллаб келинган.

Манбаларда “Тасаввуфнинг маъно – моҳиятини тўғри англашда сўфий ва мутасаввифларнинг тасаввуфга берган таърифларига алоҳида эътибор бериш ҳам зарур. Бунда, айниқса, илк даврлардаги сўфийларнинг таърифлари муҳим қимматга эга. Абу Наср Сарроғнинг “Ал – Лумаъ”, Ҳужвирийнинг “Кашф ул – маҳжуб”, Қушайрийнинг “Рисолаи Қушайрий”, Сухравардийнинг “Авориф ул – маориф” сингари бир неча мўътабар манбаларда бундай таърифларга маҳсус ўрин ажратилган. Биз улардан айримларини кўрсатиб ўтмоқчимиз”, деб баён этилган:

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

– Маъруфи Кархий: “Тасаввуф – ҳақиқатларга қучоқ очиб, махлукотнинг қўлидагилардан юз бурмоқ эрур” деганлар.

– Абу Сулаймон Дороний: “Тасаввуф – сўфийнинг Аллоҳдан бошқаси билмайдиган амалларни адо айлаши ва ёлғиз Аллоҳга аён бир ҳол ила У (Аллоҳ) билан доимий бирликда бўлишидир”.

– Абу Ҳафс ал – Ҳаддод: “Тасаввуф – адабдан иборат эрур. Ҳар бир

вақтнинг ўз адаби бордур. Ҳар бир ҳолнинг адаби бор. Вақтнинг адабига диққат қилган солик комил инсон мартабасини эгаллайди...”

– Амр Усмон ал – Маккий: “Тасаввуф – ҳар вақт ва ҳар соат қулнинг қўлидан келадиган энг хайрли иш или машғул бўлишидир”.

– Абу Ҳусайн Нурий: “Тасаввуф – русм ҳам эмас, билим ҳам эмас,

балки ахлоқ эрур. Агар тасаввуф маросим бўлсайди, мashaққат или қўлга киритиларди. Илм бўлса таълим билан ўрганиларди. Тасаввуф илоҳий ахлоқ сифатлари или сифатланмоқдир”.

– Абдулқосим Жунайд: “Тасаввуф – қулга ато этилган ҳолдир”.

– Абу Муҳаммад Рувайм: “Тасаввуф – нафсни Аллоҳ иродасига вакф этмақдир”.

– Абу Амр Дамашкий: “Тасаввуф – коинотни ноқис кўрмак,

камчиликдан холи кишининг мушоҳидаси или ноқис борлиққа боқмоқдан юз буришдир”.

– Абу Али Рўзборий: “Тасаввуф – қувса ҳам севгилиниңг эшиги олдида ётмоқдир”.

– Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тасаввуф – сулук тарзи бўлиб, унинг асоси нафс пок ва рух олий бўлиши учун содда ҳаёт ва фазилатлар или зийнатланиб яшамоқдир”

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тасаввуф илми сўфийлар эътиқод қиласиган нарсалар ва ўз жамоаларида ҳамда ёлғиз қолганларида ушлайдиган одоблариридир. Сўфий – тасаввуф йўлига эргашагн одамдир”.

Ал – Жоҳиз: “Ҳақиқий диндор шоир сўфий бўлиши керак” каби таърифлар берилган.

Фалсафий-ирфоний қарашларни шаклланишига туртки бўлган, тариқатларнинг шаклланишига маънавий робита вазифасини ўтаган тасаввуф илмининг вужудга келиш сабаблари ва омиллари тўғрисида кўплаб тадқиқотчилар томонидан турли қарашлар ва тадқиқотлар билдирилган бўлиб, ушбу сабаб ва омиллардан баъзиларини алоҳида олиб кўриш мумкин:

Биринчи сабаб: Диний-эътиқод сабаб ва омиллари орқали ифодаланади. Бунда Ислом эътиқоди ва Ислом манбалари (Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шариф илми) асосида таянилган ҳолда шаклланган илм-таълимотдир. Жумладан: “Алло гўзалдир, гўзалликни севувчидир” талқинида қарашлар асосида варалади. Ва баъзи тадқиқотчилар талқинича (Ибн ал-Арабий, Садриддин Қунявий, Ироқий, Маҳмуд Шобустарий, Нажмиддин Доя, Абдулкарим Гелоний, Азизиддин Насафий, Абулвафо Хоразмий ва б) ваҳдоният (вужуд бирлиги, Зот)

Аллоҳнинг барча жойда мавжудлиги, Унинг инсон-бандаларига яқин туришлиги ҳамда улар билан (ислаш орқали) булишилиги, уларни севиши қаторида банда-инсонларнинг ҳам Аллоҳни севишлари, эслашлари ҳамда Аллоҳдан рози бўлиш учун, шунингдек, ўз нафсларига қарши жаҳд-курашиш орқали яхши хислатларга соҳиб инсон-банда бўлиш учун чорлаши борасидаги, шунингдек, яна бир қанча оят ва ҳадислар Диннинг (Исломнинг) илк вақтларидаги тақволи инсон-бандалардан маълум тоифа-қисмлари ичида бугунги сўфиийлик номи билан аталаётган ҳаракатнинг шаклланишига сабаб бўлганлигидир. Жумладан, сўфийлар “Бақара” сўрасининг 186 оядидаги “Сиздан [эй Мұхаммад!] бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, [айтинг] Мен уларга яқинман. Менга илтижсо қилувчининг дуосини ижобат этурман” Куръони Карим ояти ҳамда “Ким Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир арин яқинлашурман. Ким Менга бир арин яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашурман. Ким Мен томон юриб келса, Мен у томон югуриб борурман” деган ҳадисдан келиб чиқиб, Унинг ўз бандаларига яқинлигини ҳис қилиб, доимо ўй-хаёл ҳамда диққат-эътиборларини Аллоҳга қаратишга, буюрганлари ва қайтарганларига батамом риоя қилиш билан Унга яқинлашишга интилганлар.

Аллоҳга бўлган муҳаббатдан мурод – банданинг ягона Яратувчи Ошиқقا бўлган муҳаббати назарда тутилишилиги лозим.

Иккинчи сабаб: Иқтисодий ва ижтимоий сабаб ва омиллари орқали ифодаланади. Ислом динининг кенг ёйилиши учун араб халифаликлари томонидан олиб борилган қурашлар натижаси улароқ, қўлга киритилган улжабойликлар, солиқлар (фатҳ этган жойлардан олинадиган солиқлар Л.Ахатов) кўтарилиши билан жамиятда (Ислом тарқалган жамиятда Л.Ахатов) мусулмонларнинг бир қисми бойлик ортирганлиги ва бойишига сабаб бўлган. Бундай жараён эса, бир жиҳатдан, мусулмон улка-жамиятида бойлик ва молдунёга ҳирс қўйишилик кайфиятининг ортишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи бир жиҳатдан, ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кескинлашишига сабаб бўлган. Бундай ыарама-ыаршиликлар халифалик даврида, айниуса, Усмон ибн Аффон (рази Аллоҳу анҳу) давридан бошлангани, уммавийлар даврида бир мунча кучайиб кетади.

Халифа Усмон ибн Аффон (рази Аллоҳу анҳу) давридан бошланган бундай юйликка ружуъ қўйишилик, қимматбаҳо тухфалар билан қариндошуруглар, яқинларни табриклиш-сийлаш ҳақида тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комиловнинг фикрлари ҳам бир мисолдир.

Учинчи сабаб: Ақидавий-ғоявий сабаб ва омиллари орқали ифодаланади. Ислом жамиятида халифалик даврида, жумладан, Али ибн Абу Толиб давридан бошланган баъзи ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликлар, кейинчалик вақт ўтиши билан ғоявий-ақидавий қарама-қаршиликлар (ихтилофлар) Ислом жамияти ичида ортодоксал саналган Ислом йўналишлари бўлмиш суннийлик билан бирга, шиалар, қадарийлар, муржийлар, хорижийлар, жабарийлар, мўътазилийлар, муржиъийлар, қарматийлар, карромийлар ва бирқанча шу каби эътиқодий-сиёсий ва эътиқодий-ақидавий оқимларнинг шаклланишига ва улар орасида Аллоҳ, Пайғамбарлик, Иймон, Куфр каби эътиқодий (Исломдаги диний) мавзулардан бошлаб ҳокимият ҳамда бошқарув-хукмронлик каби ғоявий-сиёсий мавзуларга қадар олинган омиллар сабаб бўлган.

Туртинчи сабаб: сиёсий ва ижтимоий сабаб ва омиллари орқали ифодаланади. Халифалик минтақаси-сарҳадлари кенгайиб борар экан, ижтимоий муносабатлар қаторида сиёсий муносабатлар ҳам кенгайиб борди. Табиийки, бундай муносабатлар фақатгина расмий муносабатлар бўлмасдан, турли зиддиятлар ва уларнинг тинчлик сари ҳаракатланиши ва характерланишини таъминлашлар ҳам бўлган. Мусулмонлар ўртасида бундай жараёнлар турли вақтларда турлича кечган. Мусулмонлар ўртасидаги баъзи бир “тоифа”лар бўлганки, ҳокимият учун кечган турли-қонли можаро-урушлар, уларнинг натижаси улароқ ҳокимятга чиққан Уммавийлар сулоласи, кейинроқ эса Аббосийлар сулоласининг эътиқодий-диний ғоялдарига доим ҳам мос-тўғри келмаслигига сабаб бўлувчи сиёсий можаролар, бошқа томондан эса, тақводор бандар-инсонлар наздида қиёмат яқинлашувининг аломати бўлиб баҳоланиб, уларнинг шу дунё лаззат ва фароғатларидан кечиш, тоат-ибодатга киришиб кетишиларига, бошқа бир иккинчи томондан эса, ҳукрон сулола-табақалар истибододига қарши кураш бефойдалигини билиб, таркидунёчилик-гўшанишинликка берилишиларига сабаб бўлган.

Француз шарқшунос олимни А.Корбеннинг “Тасаввуф – мусулмончиликдаги ҳар қандай иккюзламачиликка қарши кучли эътиroz”, эканлигини айтади.

Бундай сабаблардан ҳикмат шуки, илк тасаввуф намояндаларининг (сўфийларнинг) юқорида келтирилган сабаблар асосида қайси ижтимоий қатламлар вакилларидан бунёд бўлганлиги ҳам Ирфон-тасаввуф илмининг вужудга келиш омилларини оёдинлаштиришга субстанционал асос вазифасини беради.

Субстанционал асос вазифасини ўтовчи омилларни англаш учун эса, “Кейинчалик “сўфийлик” деб номланган

ҳаракат вужудга келган дастлабки пайтларда ушбу ҳаракат вакиллариға нисбатан *сўфий* сўзи қўлланилмаган. Ўша даврда бу дунёнинг мол-дунёси ва лаззатларидан воз кечиб, ўзини Аллоҳга ибодат қилишга бағишлаган кишиларга нисбатан обид (ибодат қилувчи), носик (тақводор) ва зоҳид (тийилувчи) сўзлариқўлланилган” лиги ҳақидаги фикрлар ҳам мавжудлигини унумаслик лозим.

Тарихан ҳар қайси даврнинг ўзига хос рационал ва иррационал тафаккур тарзи сифатида тасаввуфнинг юксалган даврлари ифодаланади. Тасаввуф бу муқаммалик касб этувчи тариқат – йўлнинг тадрижий ифодаси бўлса, унга эргашганлар сўфийлар тарзида машхур бўлганлар.

Бундай илмларнинг (фалсафий-ирфоний қараашларнинг Л.Ахатов) кенг омма наздида ривожлантириш учун муҳим “анъанавий” жараён борки, у ҳам бўлса “Устоз-шогирд” муносабати ва у орқали илмнинг юксалиш босқичларини белгилашлик саналади. Бунда “Устоз-шогирд” ўртасидаги муносабатлар жуда нозик ва латиф қўринишда кечади. Ислом эътиқодида “Нафс ва унга боғлиқ муносабат”лар қанчалик муҳим саналса, “Устоз-шогирд” муносабатида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиласди.

Илм ихтиёр қилувчи – шогирднинг (мутааллимнинг) одоблари алоҳида инобатга олинади.

Биринчидан: шогирд (мутааллим) мақомида бўлувчи шахс нафс ҳалоллигини (поклигини) ёмон сифатлардан устун қўйишлиги ва ахлоқизликлардан мосуво бўлишилиги лозим қилинган. Зеро, ўрганиладиган илм қалб ибодати ҳисобланади.

Иккинчидан: шогирд (мутааллим) мақомида бўлувчи шахс беҳуда нарсалар-чалғитувчи нарсалар билан муносабат-алоқани узишлиги лозим. Сабаб, хаёл-фикр бўлинадиган бўлса, аслият-ҳақиқатларни билиш-идрок қилишдан ожиз ҳолатда тушади.

Учинчидан: шогирд (мутааллим) мақомида бўлувчи шахс гуё беморнинг табибга бориб ўзини унинг (табибнинг) ихтиёрига топширгани каби, у шогирд (мутааллим) ҳам устозига (илм ўргатувчи-муршидга) буткул бўйсунишлиги, устозига тавозузда бўлишилиги ва унинг хизматида қоим ҳолатда бўлмоғлиги лозим. Табиб ўзидаги табобат илмидаги имкониятлари орқали беморни даволагани каби, устоз (илм ўргатувчи-муршид) ҳам илм йўлидаги имкониятлари орқали шогирдни (мутааллимни) манфаатдор қиласди.

Тўртминчидан: шогирд (мутааллим) мақомида бўлувчи шахс димоғдорлик-такаббурлик қилувчи бўлса, жоҳиллик йўлида бўлади. Сабаб, мақсад-ҳикмат унинг (мўминнинг)

излаб юрган нарсаси саналади. Излаганини қачон-қаердан топса, эга чиқади-олади. Шогирд (мутааллим), устозининг (илм ўргатувчи-муршидининг) йўли-фикрига эргашмоғи лозимлиги айтилади.

Илм ихтиёр қилувчи – шогирднинг (мутааллимнинг) одоблари бўлгани каби, илм ўргатувчи устознинг (муршиднинг) ҳам одоблари мавжуд.

Биринчидан: Илм ихтиёр қилувчи – шогирдларига шавқатли бўлиши ва уларни ўз болалари ўрнида кўриши лозим.

Иккинчидан: (Илм ихтиёр қилувчи шогирдларга) таълим бергани учун ҳақ олмаслиги, мукофот ва ташаккур тамаъ қилмаслиги, ёлғиз Аллоҳ таолонинг розилиги учун илм-таълим беришлиги лозим.

Учинчидан: шогирд (мутааллим) мақомида бўлувчи шахсга миннат қилмаслиги, аксинча, шогирдларнинг (мутааллимларнинг) илм йўлида қилган ҳимматларини фазл деб ҳисоблаши керак. Ажрини Аллоҳ таолодан бошқадан сўрамаслиги керак.

Тўртминчидан: шогирд (мутааллим) мақомида бўлувчи шахснинг фаҳми ва ақли салмоғида назоратга олсин. Унга фаҳми етмайдиган ва ақли эгаллай олмайдиган нарсаларни таълим бермаслиги лозим.

Имом Муслим “Саҳих”да Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг: “Бир қавм уларнинг ақллари етмайдиган гапни зинҳор гапирмагин. Чунки, баъзилари учун фитнага айланиб қолиши мумкин”, деб айтилган.

Бешинчидан: Илм ўргатувчи устоз (муршид) – муаллим илмга амал қилувчи бўлиши шарт.

Аллоҳ таоло: “*Одамларни яхшиликка чорлаб туриб, ўзингизни унутасизми? Ҳолбуки, Китобни тиловат қиляпсиз-ку. Ақлни ишилатмайсизми?!*” деган (“Бақара” сураси 44-оят).

Ушбу оят, умумий қоида саналиб, ҳаммага тегишли эканлиги айтилган.

...Айтганига амал қилиш, ақийдага мувофиқ юриб-туриш осон иш эмас. Бунинг учун сабр-матонат, тиришқоқлик керак, деб тафсир этилган.

Ирфон – عرفان илмининг субстанционал воқийлигини ифодаловчи рационал ёндашувнинг моҳияти орқали қарабувчи – тасаввуф – **التصوف** илми Ислом дини орқали мукаммаллашиб, баъзи ҳолларда (даврларда) Диний мазмундаги (диний дунёқарааш) моҳиятларни ифодалаб – эътиқодлашган вақтлари бўлган бўлса, Илмий моҳиятига кўра эса баъзи ҳолларда (даврларда) фалсафий мазмундаги (фалсафий дунёқарааш) моҳиятларни ифодалаб – фалсафийлашган вақтлари бўлди. Бу ўз навбатида рационал-ақлий билишнинг янгича моҳиятини тақозо этган. “Шундай қилиб, тасаввуф Шарқ фикрий тараққиётидаги кўп асрлик

тажрибаларни қамраб олиб, уни ривожлантириди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва вахдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштириди, илохий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди”.

ХУЛОСА

Хулоса тарзида айтганда, ирфон илмининг рационал англанишилиги ва иррационал аҳамият касб этишлиги ҳам тасаввуфий аҳамият касб этанди. Шунинг учун тасаввуфнинг турли даврларда турли шаклларда (мазмунан эмас!, шаклан) фаолият омили бўлганлиги ва ўз мавқийга эга бўлган. Бу омиллар орқали фалсафий-ирфоний қарашлар такоммиллашиб боради.

REFERENCES

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия. I-жуз. Покланиш. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2010Ҳаққул Иброҳим. Мерос ва моҳият “Маънавият” Тошкент; 2008
2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур “Hilol - nashr”, Тошкент; 2016, - б 35
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Олти жуз-томли (тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр) 1-жуз. “Hilol - nashr”, Тошкент; 2016,
4. Комилов Н. Тасаввуф “Movarounnahr” – “O’zbekiston” Тошкент; 2009
5. Степанянц М.Т. Флософские аспекты суфизма. “Наука”, 1987, - ст 5; Рида Бринджкар Знакомство с Исламскими науками., калам, фалсафа, ирфан. ООО “Садра” М.: 2014, - ст 207
6. Ефремова Наталия. Ислам. Философия, религия, культура. Редак., Т.А.Аникеева. Ч.1: Теолого-флософии РАН. Вост. Лит.,“Наука” М., 2015, - ст 110
7. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. “Наука” М.: 1965, - ст 16; Рида Бринджкар Знакомство с Исламскими науками., калам, фалсафа, ирфан. ООО “Садра” М.: 2014, - ст 207-208
8. Корбен А. История Исламской философии. . Перевод с фран. яз. 3-е изд.- Академический проект; ООО “Садра” М.: 2016, - ст 186
9. Madalimov, T., Akhatov, L., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
10. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY.

JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 6(7), 130-133.

11. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
12. Xaytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
13. Xaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
14. Akhatov, Lutfillo, Timur Madalimov, and Raimberdi Xaytmetov. "The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami." *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications* 2 (2020): 1-4. Web. Apr. 2020.
15. Akhatov, Lutfullo, Timur Madalimov, Raimberdi Xaytmetov, and Farxod Ibrohimov. "A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston"." *International Journal of Current Science Research and Review* 3 (2020): 29-32. Web. Apr. 2020.
16. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim." *Наука, образование и культура* 6.50 (2020): 50-57. Web.
17. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy." *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal* 6.7 (2020): 130-133. Web.
18. Хайтметов, Раимберди, Тимур Мадалимов, and Лутфулло Ахатов. "Капитализм ва инсон психологияси." *Педагогика ва психологияда инновациялар* 2 (2020): 53-61. Web. Apr. 2020.